

ЎБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Амалий иш

Мавзу: Форс ва ўзбек тилларида сон сўз туркуми

Бажарди 1-курс форс-ингли
гурухи талабаси Қосимхўжаева Ё

Тошкент 2010

Режа:

1. Форс тилидаги сон сўз туркумларини ўзбек тили билан қиёслаш
2. اعداد ترتیبی *adād-e tartibi* – тартиб сонлар
3. اعداد اصلی *adād-e asli*– миқдор сонлар
4. Хулоса
5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Форс ва ўзбек тилларида сон сўз туркуми

عدد

Сон предметларнинг мавҳум саноғини, миқдорини, тартибини билдириш билан бошқа сўз туркумларидан ажралиб туради.

Ҳар иккала тилда барча сонлар билан бирикиб келган отлар бирлик сонди ишлатилади: *бешта талаба, ўнта китоб*.

Сонлар отлар билан бирга қўлланиб, бир неча предметнинг йиғиндисини, аниқ миқдорини билдиради. Шу жиҳатдан сонлар предметларнинг ноаниқ миқдорини ифодалувчи *زیاد ziyād – кўп, کم kam– оз, کمى kam-i– бир оз* каби сўзларда фарқланади. Сонлар ҳам предметларнинг аниқ миқдорини (*ده کتاب dah ketāb– ўн та китоб*) ёки ноаниқ миқдорини *پنج کارمندى kārmand-i panj – бештача ишчи* ифодалайди. Бу ҳолларда предметларнинг аниқ миқдорини сонларни ёзувди рақамлар билан ифодалаш мумкин. Предметларнинг ноаниқ миқдорини билдирувчи сўзлар эса рақам билан ифодаланмайди.

Ҳар иккала тилда¹ сонлар маъно хусусияти ва ясалиш усулига кўра икки асосий гуруҳга бўлинади: *اعداد اصلى adād-e asli– миқдор сонлар* ва *اعداد ترتیبى adād-e tartibi – тартиб сонлар*.

Бешта эрон тилшунос олимлари² томонидан ёзилган форс тили дастуриди (*Dastur-e zabān-e fārsi*) сонлар тўрт турга бўлинади:

- *اعداد اصلى adād-e asli – миқдор сонлар;*
- *اعداد ترتیبى adād-e tartibi – тартиб сонлар;*
- *اعداد کسرى adād-e kasri – каср сонлар;*
- *اعداد توزیعى adād-e touzi 'i – тақсимлаш сонлари.*

Ушбу сонларнинг таърифи мазкур дастурга кўра³:

¹ Ю.А.Рубинчик. *Грамматика современного персидского литературного языка.*, М., “Восточная литература. Стр.188.

Ш.Шоабдурахмонов, М.Аскарлова, А.Ҳоҷиев, И.Расулов, Х.Дониёров.

Ҳозирги ўзбек адабий тили., Тошкент., “Ўқитувчи” 256 бет.

² دستور زبان فارسی (پنج استاد) تألیف: عبدالعظیم قریب، ملک الشعراء بهار، بدیع الزمان فروزانفر، جلال همایی، رشید یاسمی. تهران، ۱۳۷۳. ص. ۱۴۱

دستور زبان فارسی (پنج استاد) تألیف: عبدالعظیم قریب، ملک الشعراء بهار، بدیع الزمان فروزانفر، جلال همایی، رشید یاسمی. تهران، ۱۳۷۳. ص. ۱۵۴

ناستحه معبود را به مقدار مساوی بحس حسب ماسند: پنج پنج ، ده ده ، صد و علامتان در زبان فارسی دان
بوده است مانند: ده گان، صد گان، هزار گان.

*ān ast ke ma'dud rā be meqdār-e motasāvi baxš konand mānand-e : panj panj, dah dal
va 'alāmat-e ān dar zabān-e fārsi "gān" bude ast mānand-e: dahgān, sadgān, hezārgān.*

Таърифидан кўриниб турибдики мазкур сонлар иккита усул билан ҳосил бўлади:

1) Такрорлаш орқали: پنج پنج *panj panj*- беишадан; سه سه *sese*-учтадан.

2) Сонларга گان *gān* аффикси қўшилади
hezārgān – мингтадан.

Форс тилида⁴ сонлар ўз тузилишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- Содда, битта ўзакдан иборат бўлган сонлар: یک *yek* – бир , دو *du* – икки , سه *se* – уч , پنج *panj* – беш;
- Мураккаб сонлар (ўзаклар бирикишидан ясалган сонлар): هفده *hefdah* – ўн етти , یازده *yāzdah* – ўнбир
- Қўшма сонлар و *o* орқали боғланган бир неча сонлар: دویست و پنج *dvist-o- panj* – икки юз беш , پانصد و یک *pānsad-o-yek* – ўттиз бир , هزار یک *yek hezār* – би минг , پنج میلیون *panj malyun* – беш миллион.

panj malyun – беш миллион.

Ўзбек тилида⁵ фақат содда: бир, юз, беш, ва қўшма: ўн беш, уч юз, тўрт ю олтмиш турдаги сонлар мавжуд.

Ҳар иккала тилда миқдор сонлар саналаётган предметдан олдин қўйилади ва шў предметни ифодаловчи сўз бирлик шаклида келади: سه کتاب *se ketāb* – учта китоб , بیست کارمند *bist kārmand*– йигирма ишчи.

Форс ва ўзбек тилларида миқдор сонлар маъно жиҳатидан қуйидаги турларга бўлинади:

⁴ دستور زبان فارسی (پنج استاد) تألیف: عبدالعظیم قریب، ملک الشعراء بهار، بدیع الزمان فروزانفر، جلال همایی، رشید یاسمی. تهران، ۱۳۷۳. ص. ۱۴۱

⁵ Ш.Шоабдурахмонов, М.Аскарова, А.Ҳожиев, И.Расулов, Х.Дониёров.
Ҳозирги ўзбек адабий тили., Тошкент., “Ўқитувчи”, 256 бет.

Микдор сонлар	
Форс тилида	Ўзбек тилида
• Аниқ-микдор сонлар • Ноаниқ микдор сонлар • Ажратувчи микдор сонлар	• Саноқ сонлар • Чама сонлар • Жамловчи сонлар • Тақсим сонлар

Ўз таркибига кура *аниқ-микдор сонлар* кўп эмас: улар бирликлардан (یک *yek* - бирдан نه *nəh*- тўққиз гача), يازده *yāzdah* – ўн бир дан نوزده *nuzdah* - ўн тўққиз гача ўнликлардан (ده *dah* – ўн дан نود *navad* – тўқсонгача), юзликлардан (صد *sad* – юздай نه صد *nəhsad* – тўққиз юзгача), هزار *hezār*– минг, مليون *melyun* – миллион, مليار *melyārd* - миллиард تریلیون – триллион сўзлардан иборат. Шу қаторга архаик сўзлар ҳам جور *bivar* - “ўн минг”, لك *lak* - “юз минг” ва كورر *korur* - “беш юз минг” киради. Тахминан қиркта сўз.

Ўзбек тилидаги **саноқ сонлар** предметларни умумий микдорини англатади: беш китоб, уч йил, икки юз автомобил.

Форс тилидаги *аниқ-микдор сонлар* ва ўзбек тилидаги *саноқ сонлар* баъза предметларнинг ҳисобини кўрсатувчи сўзлар – *ҳисоб сўзлар (нумеративлар)* била бирга қўлланади. Нумеративлар саналаётган предметни ҳисоблашда унинг қайси категорияга, гуруҳга оид эканлигини аниқлаш учун ишлатилади.

Форс ва ўзбек тилларида нумеративлар сон ва саналувчи предметлар номини билдирган сўзлар орасига қўйилиб, изофа белгисини қабул қилмайди. Бунда ташқари, нумеративларнинг ишлатилиши факультатив характерга эга: улар тушиқ қолиши ҳам мумкин. Масалан, دو تا کتاب *do tā ketāb* ва دو کتاب *do ketā* - *иккита китоб* سه نفر دانشجو *se nafar dānešju* ва سه دانشجو *se dānešju*– *учта талаба* дейиш мумкин.

Ҳар бир гуруҳ саналувчи сўзлар учун муайян ҳисоб сўзлар ишлатилади ва эн кўп қўлланадигани куйидагича:

1. Инсонлар учун: نفر *nafar* – *одам*, تن *tan*– *бадан*, تا *šeš* – *та*: سه نفر دانشجو *se nafa dānešju* – *уч нафар талаба*, پنج تن کارمند *panj tan kārmand*– “*бешта ишчи*”, ش تا دختر *šeš tā doxtar* – “*олтита қиз*”.

2. Ҳайвонлар учун: *دو راس گوسفند do ra's gusfand* – *икки бош қўй*.”

3. Китоблар учун: *هفت جلد فرهنگ haft jeld farhang* – *етти жил лугат*.

4. Жонсиз нарсалар, ҳамда ҳайвонлар ва ҳатто одамлар учун: *و تا ميز do tā miz* – *иккита стол*, *سه تا گربه se tā gorbe* – *учта мушук*, *شش تا مهمان šeš t mehmān* – *“олтита меҳмон”*.

5. Дастгоҳ, мослама, ҳар хил агрегатлар, радиоприёмник ва телефон аппаратлари, автомобиллар ва соатлар учун: *دستگاه dastgāh* – *аппарат*, *موسلامه moslamah* – *мослама*: *یک دستگاه تلفن yek dastgāh telefon* – *бумта телефон аппаратуи*, *پنج دستگاه اتومبیل panj dastgāh otomobil* – *беумта автомобил..*

Нумеративлар ҳақида батафсил маълумот Г.Ю.Гасанлининг “Счетные слова в современном персидском языке”⁶ номли номзодлик диссертациясида берилган.

Ноаниқ, тахминий миқдорни англатувчи сўзлар *ноаниқ* - *миқдор сонларни* ташкил қилади. Уларга ноаниқ миқдор маъносидаги сўзларнинг кичик гуруҳи киради. Ушбу сонлар *چند čand* *چندین čandin* - *бир нечта* конкрет эмас, балки мавҳум миқдорини (бирдан кўпроқ) англатади. Ноаниқ-миқдор сонлардан сўнг отлар бирли шаклда келади: *چند کتاب čand ketāb* - *бир нечта китоб*, *چندین دانشجو čandin dānešju* - *бир нечта ўқитувчи*.

Бундан ташқари, тахминий миқдорини англаш учун икки санок сонини жуфтлаш келтириш мумкин: *یک دوروز yek do ruz* – *бир-икки кун*, *هفت هشت ساعت haft hašt sā'at* – *етти-саккиз соат*.

Сонларнинг бу турига ноаниқ миқдорини англатувчи *زیاد ziyād*- *кўн*, *کم kam* -*оз*, *бир оз*, *кам*, *کمی kam-i* - *озгина* сўзлар ҳам киради.

Бу сонларнинг оддий миқдор сонлардан фарқи шундан иборатки, саналаётган о кўплик шаклида келиши мумкин ва сонларнинг ўзи нафақат конкрет, балки мавҳум отлар ва предлог билан ишлатилиши мумкин: *بسیار فواید besyār favāyed* – *кўплаб*

⁶ Гасанали Г.Ю. Счетные слова в современном персидском языке (состав и особенности функционирования). Афтореф. канд. дис. М., 1977

фойдалар, *کمی نان* *kat-i nān* – озгина нон, *بسیاری از زور* *besyār-i az zovvar* – зиёратчилардан кўпчилиги.

Гарчи грамматикаларда ушбу сўзлар сон сўз туркумида берилган бўлса ҳам улар сон бўла олмайдилар, чунки сон хоҳ предметнинг аниқ миқдорини, хоҳ тахминий миқдорини билдирсин, ҳар икки ҳолатда ёзувда рақам билан ифодаланади ва предметларнинг тахминий миқдорини билдирувчи сўзлар рақамлар билан ифодаланмайди. Шунинг учун улар сон ҳисобланмайди.

Ўзбек тилидаги *чама сонлар* ҳам предметнинг ноаниқ, тахминий миқдорини англатади. Улар икки хил усулда ҳосил қилинади: 1) морфологик усул ва 2) композиция усули.

Морфологик усул. Бунда *чама сон* санок сонларга қуйидаги аффикслар қўшилишидан ҳосил бўлади: - *лаб*, - *тача*, -*ларча*, -*лар*-, *да* (-*дан*, -*га*): *юзла мактаблар*, *олтмиштача жой*, (соат) *бешларда*, *уч ойлар* *дан* *сўнг*, (ёши) *саксонларга борган*.

Композиция усули. Бунда турли сонлар жуфтланади ёки айрим сўзлар билан бирга келади: *бир-икки кун*, *уч-тўрт бола*, *беш-ўн минут*. Форс тилидагидек ўзбек тилида ҳам *чама сонларни* ҳосил қилишда тахмин маъносини ифодаловчи айрим сўзларнинг ҳам аҳамияти бор: *чамаси*, *чоғли*, *яқин*, *тахминан*, *қарийб*, *камида* *ортиқроқ*: *беш ойлар чамаси ўтгач*, *ўн чоғли бола*, *ўттизга яқин*, *тахминан ярим миллион*, *қарийб уч миллион квадрат метр*, *камида беш мингта машина*, *мингдан ортиқроқ*.

Чама сонлар морфологик ва композиция усулнинг комбинацияси орқали ҳам ҳосил қилинади: жуфтланиб келган *чама сонлардан* *сўнг* -*ча*, -*ларча*, -*ларда* каби аффикслар қўшилади: *эллик-олтмиштача талабалар*, *ўттиз-қирқ ёшлардаги киши*.

Ўзбек тилидаги *жамловчи сон* бир турдаги предметларнинг йиғиндисини ифодалаш учун қўлланади. Улар одатда ундан кам бўлган сонларга қуйидаги аффиксларнинг қўшилишидан ҳосил қилинади: -*ов* (икки – *икков*, беш – *бешов*), -*али* (икки – *иккала*, беш – *бешала*), -*ов+ла+б* ёки -*ов+ла+ш+иб* (икки – *икковлашиб*, *икковлаб*), -*ов+лан* (олти – *олтовлан*). Айрим санок сонларга эгалик аффикси қўшилиб, *жамловчи сон* маъноси ифодаланади: *қизларнинг иккиси*.

Форс тилида жамловчи сон маъносини бериш учун айрим сонларга گانه - *gān* аффикси қўшилади: سگانه *segāne* – *уччов, уччала*, پنجگانه *pañjgāne* – *бешов, бешовлон*. Бундан ташқари қуйидаги конструкция ҳам қўлланади: هر *har* + миқдор сон + изоф: + кишилик олмоши. Масалан: هر دوى آنها *har do-ye ānhā* – *биз иккаламиз*, هر سه ما *ha se-ye mā* – *биз уччаламиз*.

Форс ва ўзбек тилларида тақсим сонлар предметларнинг тақсимлаш ёки гуруҳланиш миқдорини англатади. Ҳам ўзбек, ҳам форс тилида тақсим сон учт: усули орқали ясалади: а) иккита санок сон такрорлаш орқали: دو دو *do do* *иккита иккитадан*, پنج پنج *pañj pañj* – *бешта-бештадан*, (ўзбек тилида сон негизига -тада қўшимчаси қўшилади); б) санок сон تا *tā* ҳисоб сўз билан бирга такрорлаш орқали: ^۱ سه تا سه *se tā se tā* – *учта учтадан*, в) иккита санок сон به *be* олд кўмакчи бирикиш орқали: يك به يك *yek be yek* – *биттадан, битта биттадан*.

Ҳар иккала тилда каср сон бутуннинг қисмларини ифодалаш учун ишлатилади. Каср сонлар тузилишига кўра бошқа сонлардан фарқланади. Ўзбек тилида каср соннинг сурати бош, маҳражи чиқиш келишик шаклида келади: *тўртдан бир* қисми *учдан икки* қисми. Каср сон таалуқли бўлган отлар шу сонлардан олдин, қаратқи ёки чиқиш келишиклари шаклида келади: *талабаларнинг учдан бири*, *фойдадан ўнда тўққизи*. Отлашганда каср сонларнинг маҳражи ўзгармай, сурати эгалик ва келиши қўшимчаларини олади: *ҳовлининг тўртдан бирини* айвон эгаллаган эди. *Ярим чорак, нимчорак* сўзлари ҳам каср сон ҳисобланади: *ярим йўлда, ним қоронғи нимчорак қадоқ* ва ҳоказо.

Каср сонлар бутун сонлар билан бирга аралаш сонни ҳосил қилганд: яхлитликни билдирувчи сондан кейин *бутун* сўзи ва каср сонлар келтирилади: *1,09 бир бутун юздан тўққиз; 3,1- уч бутун ўндан бир*.

Форс тилида каср сон уч усулда ясалади. Ҳозирги форс тилида энг кўй қўлланадиган усулда каср соннинг сурати миқдор ва маҳражи тартиб сон орқали ифодаланади: $\frac{2}{5}$ – دو پنجم *do pañjom* – *бешдан икки қисми*. Каср сон таалуқли бўлган отлар маҳражга изофа орқали боғланади دو سوم دانشجویان *do sevvom-e dānešjuyān* *талабаларнинг учдан икки қисми*.

Иккинчи усул фақат сурат **یک یек** – *oip* булган ҳолларда қўлланади. Масалан 1/4. Бу ҳолатда каср соннинг ўқилиши махраждан бошланади: **چهار یک** *čahār yek* - *тўртдан бир қисми*. Биринчи усул ҳам қўлланиши мумкин.

Учинчи усул **از az** олд кўмакчи билан қўлланади: **سه از چهار** *se az čahār* *тўртдан уч қисми*. Ҳозирги форс тилида бу усул кам ишлатилади ва баъза сўзлашув тилида учрайди.

Мазкур усуллардан ташқари *ярим* каср маънони бериш учун **نیم nim** (*nime نیمه*) форсча сўз ва араб тилидан кирган **نصف nesf** сўзи қўлланади: **نصف سال** *nesf-e sāl* *ярим йил*; **یک سال و نیم** *yek sāl-o- nim* - *бир ярим йил*; **نیمه شب** *nime-ye šab* - *ярим кеча*.

Каср сон маъносида арабча сўзлар **ثلث sols** – *учдан бир қисми*; **ربع rob'** - *чорак* **خمس xoms** – *бешдан бир қисми* ишлатилади.

Ўнли касрда ўнликлар, юзликлар ва бошқа қисмлар миқдор кўрсатувчи сон миқдор сон билан ва ўнликлар, юзликларнинг ўзи тартиб сон билан ифодаланилади **دو دهم do dahom** – *ўндан икки*; **پنج صدم** *panj sadom* – *юздан беш*; **شش هزارم šeš hezārom** - *мингдан олти*. Рақам билан ёзганда бутун сон ва ўнли каср ўртасида эгри чизиги (вергул эмас) ёзилади ва каср иккита усул билан ўқилади: а) бутун ва каср сонла ўртасида боғловчи **و [o]** талаффуз қилинади: **صفر و پنج sefr-o- panj** – *нол бутун ўндан беш*; **یک و پنج صدم yek-o- panj sadom** – *бир бутун юздан беш*; б) бутун ва каср сон ўртасида **میمیز tomayez** каср сонларнинг вергули талаффуз қилинади: **پنج صدم بیست و پنج صدم** *panj tomayez bist-o-panj sadom* – *беш бутун юздан йигирма беш*.

Каср сонлар конкрет ва мавхум отлар билан бирикиб, гапда ҳар иккала тилд: аниқловчи вазифасини бажариш мумкин **دو پنجم دانشجویان do panjom-e- dānešjuyān** – *бешдан икки қисм талаба*.

Форс тилида структур-семантик белгилар асосида фоизлар ҳам сон сўз туркумига киради. Ўзбек тилида фоизлар мустақил сон тури ҳисобланмайди в: *миқдор сон* ва *фоиз* сўзи бирикиш орқали ифодаланади: *йигирма фоиз*, *ўн фоиз* в: *ҳоказо*.

Форс тилида фоизлар қуйидагича қўлланади: а) фоизи аниқланаётган сон сўнгга **درصد dar sad** (**در dar** – ...-да предлоги, **صد sad** – юз) сўзини келтириш билан **سی درصد si dar sad** – *ўттиз фоиз*. Бу усулда фоиз аниқланаётган бирикма от билан изофа орқали боғланади: **بیست درصد دانشجویان bist dar sad-e dānešjuyān** – *йигирма фоиз*

талабалар; б) аввал артикл билан صد *sad* - юз сўзи сўнгра фоизларни аниқлаётган сон: صدی بیست *sad-i bist* – *йигирма фоиз*. Бунда фоизни аниқлаётган бирикма от билан изофасиз бирикади: صدی بیست دانشجویان *sad-i bist dānešjuyān*.

Тартиб сон предметнинг аниқ, конкрет миқдорини, кетма-кетлигини ифодалаши билан соннинг бошқа турларидан фарқланади. Тартиб сонлар сифатларга яқин бўлиб, улар каби предмет белгисини билдиради.

Ўзбек тилида соннинг бу тури санок сонларга -(и)нчи аффиксинин қўшилишидан ҳосил бўлади: *учинчи, бешинчи*. Форс тилида тартиб сон санок сонга -om, -مین *-omīn* аффиксларининг қўшилишидан ясалади: پنجمین *panjomīn* - *бешинчи*, ششم *šešom* - *олтинчи*. -مین *-omīn* билан ясалган тартиб сонлар одатда юқори услубда қўлланади (масалан, тантанали саналарни ифодалашда): پنجاهمین سال تولدش *panjāhomīn sāl-e tavalloḍ-aš* - *туғилишинг эллик йиллиги*.

دو *do*, سه *se*, سی *sī* миқдор сонлардан ясалган тартиб сонлар иккитадан ёзма ва фонетик шаклларга эга: دوم *dovvom* ва دویم *doyyom* - *иккинчи*, سوم *sevvom* - *учинчи* ва سیم *seyyom*, سیم *siyom* ва سی ام *siom-ūtmizīn*.

Ҳозирги адабий форс тилида یکم *yekom* (ёки یکمین *yekomīn*)- *биринчи* тартиб сон кам ишлатилади. Унинг ўрнига араб тилидан кирган اول *avval* ёки форс архаик сон نخست *noxost* қўлланади. Мазкур тартиб сонларнинг -ین *-īn* қўшимчаси билан вариантлари отдан олдин қўйилади: نخستین درس *noxostīn dars* – *биринчи дарс*; اولین سفر *avvalīn safar-e man* – *менинг биринчи саёҳатим*. Ҳар иккала тилда мураккаб сонларда (ўзбек тилида қўшма сонларда) -om, -مین *-omīn* аффикслари (ўзбек тилида -(и)нчи аффикси) соннинг охири қисмига қўшилади: چهل و پنجمین *čehel-o panjomīn* – *қирқ бешинчи*, دو هزار و چهارصد و پنجاه و یکم *do hezār-o-čahār sad-o-panjāh-o yekom* – *икки минг тўрт юз эллик биринчи*.

Форс тилидаги қўшма сонларда фақат یکم *yekom* тартиб сон (اول *avval* ва نخست *noxost* эмас) ишлатилади: سال بیست و یکم *sāl-e bist-o-yekom* – *йигирма биринчи йил*. -om аффикси билан ясалган ҳамда اول *avval* тартиб сонлари аниқланмишдан кейин келиб, у билан изофа орқали боғланади, масалан: ماده هفتم *māde-ye haftom* – *еттинчи моддаси*, درس اول *dars-e avval* – *биринчи дарс*. -مین *-omīn* орқали ясалган тартиб

сонлар отдан олдин қуиилади ва изофасиз от билан боғланади: *دەمین بار aanomīn ba* – ўнинчи марта, *چهارمین میز čahāromīn miz* – тўртинчи стол.

Ўзбек тилида тартиб сонлар отлашганда эга, кесим, тўлдирувчи, ҳол, қаратқи аниқловчи вазифасида келади. Форс тилида *یای مصدری yā-ye masdari* сўз ясовчи суффиксини олиб, гапда от вазифасида қўлланади: *یکمی خندید yekomī xandid* – биринчиси кулди; *دومی گفت dovvomī goft* – иккинчиси деди.

Бундан ташқари форс тилида араб тилдан кирган *ثانی sāni* – иккинчи, *ثالث sāles*, – учинчи, *رابع rābe'* – тўртинчи ишлатилади.

Шундай қилиб, ҳар иккала тилда сон қуйидаги белгиларга эга:

1. Сонлар деярли сўз ясовчи аффиксларни қабул қилмайди ва бошқа сў туркумларидан сон ясалмайди. Сондан эса турли сўз туркумларига оид сўзлар ясалиши мумкин.

2. Сонлар ҳеч қачон аниқловчи олмайди.

3. Отлар билан бирга қўлланиб отларнинг аниқловчиси бўлиб келади.

4. Предметнинг миқдорини ифодалаганда, баъзан предмет билан сон ўртасид ҳисоб сўзлар қўлланади.

5. Баъзи ҳолларда отлашиб, мавҳум миқдор тушунчасини билдириб, ушбу сў туркуми олд кўмакчилар ва *را rā* орт кўмакчисини (форс тилида), келишик ва эгали аффиксларини (ўзбек тилида) қабул қилиши мумкин: *Бешдан уч олсак икки қолади.*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Гасанали Г.Ю. Счетные слова в современном персидском языке (состав и особенности функционирования). Афтореф. канд. дис. М., 1977
2. أليف: عبدالعظيم قريب، ملك الشعراى بهار، بديع الزمان فروزانفر، دستور زبان فارسى (پنج استاد) جلال همایى، رشید یاسمى. تهران، ۱۳۷۳. ص. ۱۴۱
3. Ю.А.Рубинчик. Грамматика современного персидского литературного языка., М., “Восточная литература.” Стр.188.
4. Ш.Шоабдурахмонов, М.Аскарова, А.Ҳожиёв, И.Расулов, Х.Дониёров. Ҳозирги ўзбек адабий тили., Тошкент., “Ўқитувчи” 256 бет.
5. أليف: عبدالعظيم قريب، ملك الشعراى بهار، بديع الزمان فروزانفر، جلال دستور زبان فارسى (پنج استاد) همایى، رشید یاسمى. تهران، ۱۳۷۳. ص. ۱۴۱ .